

2008 ЙИЛ, 21 НОЯБРЬ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 229 (11.290)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
**ФАРМОНИ**

## ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИДА МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАШ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда мамлакатда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизимини ислоҳ қилиш бўйича миқёси ва теранлиги жиҳатидан муҳим аҳамиятга эга бўлган ишлар амалга оширилди.

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташ муддати ўн икки ой этиб белгиланган.

Фуқароларни танлов асосида муддатли ҳарбий хизматга олиш тизими яратилган, чақирув комиссияларининг ишида ошкораликни ва самарали жамоатчилик назоратини таъминлаш учун улар таркибига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоатчилик, Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармаларининг вакиллари киритилган.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Муддатли ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчиларнинг лавозим маоши миқдорлари икки баравар кўпайтирилди, улар захирага бўшатилганда бериладиган нафақа миқдори энг кам иш ҳақининг ўн олти бараваригача оширилди. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз олий ўқув юртларида армиянинг мардлик ва матонат мактабини ўтаган ҳамда жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўйича аъло натижаларга эришган 22 мингдан зиёд ёшлар таълим олмоқда.

Фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизимини такомиллаштириш борасида кўрилган чора-тадбирлар Қуролли Кучларни чақирилувчилар билан тўлдиришни сифат жиҳатидан яхшилаш имконини берди, уларнинг жисмоний ва интеллектуал ривожланиш даражаси жиддий равишда ошди, аҳоли орасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори тубдан ўзгарди.

Шу билан бирга, фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йилига икки марта (баҳорда ва кузда) чақиришнинг асосан эскича, армияга чақиришнинг совет тизимидан қолган одатига таянган мавжуд амалиёти (ўшанда Қуролли Кучларда хизмат қилиш муддати 24 ой ва ундан кўпроқни ташкил этар эди) муддатли хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг ўқув-жанговар тайёргарлиги тизимида катта муаммоларни келтириб чиқариб, уларнинг хизматни сифатли ўташига ва ҳарбий мутахассисликка ўқитиш бўйича замонавий мураккаб дастурларни тўлиқ ўзлаштириб олишларига имкон бермаяпти.

Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини, қўшинларнинг жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлиги ҳамда сафарбарлик жиҳатдан тайёрлигини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Қуролли Кучлар Бирлашган штаби ҳамда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг таклифларига розилик берилсин ва 2009 йилдан бошлаб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Қуролли Кучларда муддатли ҳарбий хизматга йилига бир марта – февраль-март ойларида чақириш;

белгиланган муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари захирасига март-апрель ойларида бўшатиш.

2009 йилда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни захирага бўшатиш даврида 2008 йил кузида муддатли ҳарбий хизматга чақирилган фуқаролар ҳам, истисно тариқасида, захирага бўшатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик чақируви резервидаги хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 99-сон қарорида белгиланган фуқароларни сафарбарлик чақируви захирасидаги хизматга қабул қилиш ва улар томонидан ҳар ойлик ҳарбий йиғинларни ўташнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинсин.

2. Мудофаа вазирлиги (Қ.Бердиев):

йилига бир марта белгиланган муддатларда фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақиришни ташкил қилиш ва ўтказиш ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни захирага бўшатиш борасидаги зарур тадбирлар комплексини амалга оширишни;

муддатли ҳарбий хизматни ўташ даврида ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлик дастурларини, ҳарбий ихтисосларни сифатли ўзлаштириб олишини, шунингдек, ахборот-компьютер технологияларига асосланган таълимнинг замонавий шакл ва услубларини кенг жорий этишни;

муддатли ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчиларни, сафарбарлик чақируви захираси хизматчиларини жисмоний ва маънавий камол топтиришга, уларда Ватанга муҳаббат ва унинг ҳимоясига шай туриш руҳига асосланган мукаммал характерни, қатъий ҳаётий дунёқарашни шакллантиришга йўналтирилган маънавий-ахлоқий ҳамда ватанпарварлик тарбияси тизимининг самарадорлигини янада оширишни таъминласин.

3. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев) Мудофаа вазирлиги (Қ.Бердиев), Ички ишлар вазирлиги (Б.Матлюбов) ва Миллий хавфсизлик хизмати (Р.Иноятов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда мудофаа ишлари бошқармалари чақирув пунктлари, чегара қўшинлари ва МХХ ҳарбий қисмлари, ИИВ Қоровул қўшинлари ўқув пунктлари инфратузилмасини такомиллаштиришга, уларни моддий-техник ашёлар, тиббиёт ускуналари билан жиҳозлашга, Қуролли Кучларни замонавий талабларга мос кийим-кечак ва озиқ-овқат билан таъминлаш масалаларини ҳал этишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин.

4. Молия вазирлиги (Р.Азимов), Иқтисодиёт вазирлиги (Б.Хўжаев) фуқароларни йилига бир марта муддатли ҳарбий хизматга чақиришни ташкил этиш ва таъминлашнинг мақсадли вазифаларини амалга ошириш учун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида хизматни ўташда мудофаа, ички ишлар вазирликлари ва Миллий хавфсизлик хизматини бюджетдан молиялаш тартиби ва параметрларига уларнинг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича аниқлик киритсин.

5. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига (М.Ҳазратқулов) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, айниқса, ёшлар ўртасида фуқароларни хизматга чақириш ва уларнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини кенг тушунтириш ишларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш тавсия этилсин.

6. Адлия вазирлиги (Р.Муҳитдинов) Мудофаа вазирлиги (Қ.Бердиев) билан биргаликда 2009 йилнинг 1 январигача муддатда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ушбу Фармон талабларига мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши Котиби М.Атаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2008 йил 20 ноябрь*

**ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ**
**Янгиликлар, воқеалар**

**МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ МУНОСИБ ЎРНИНИ ТАЪКИДЛАШ ЛОЗИМКИ, БУГУНГИ КУНДА АНА ШУНДАЙ КИЧИК КОРХОНАЛАРДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН РАҚОБАТБАРДОШ ТОВАРЛАР ТАШҚИ БОЗОРДА ҲАМ ЎЗ ХАРИДОРИНИ ТОПМОҚДА.**





## *Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик* РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Ҳозирда «ASN» савдо белгиси билан ишлаб чиқарилаётган сифатли маҳсулотларга Ҳамдўстлик давлатларидан ҳам буюртмалар тушмоқдаки, бунинг асосий боиси, корхона раҳбари, «Ташаббус — 2008» кўрик-танловининг республика босқичи ғолиби, «Энг яхши тадбиркор» номинацияси бўйича Президент совринига эга бўлган Анвар Назаров ҳамда жамоа аҳлининг тинмай изланиши, янги маҳсулотлар яратиш йўлидаги интилишларидир.

Ҳозирда «ASN» масъулияти чекланган жамиятида фаолият кўрсатаётган 10 нафардан зиёд ишчи-хизматчининг замонавий техника ва илғор технологиялар асосида ишлаб чиқараётган савдо дўконлари учун жиҳоз ва маиший музлаткичлари ҳамда сифатли мебель маҳсулотлари турлари ортиб, рақобатбардошлиги таъминланмоқда.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: корхона цехларидаги юксак унумли технологик линиялар ишчиларнинг энг яқин мададкорига айланган.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

## Қисқа сатрларда

● **БУГУН** «Ўзбекистон» матбаа-ижодий уйида ўтказилган давра суҳбати Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллигига бағишланди.

● **БУГУН** Мирободтуманидаги Ғафур Ғулом номли маданият уйида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида халқ таълими муассасаларининг юқори синф ўқувчиларини касбга йўналтириш мақсадида «Ҳунарли хор бўлмас» мавзуида уюштирилган тадбирда тумандаги 213-мактабнинг юқори синф ўқувчилари, ўқитувчилари иштирок этишди.

● **БУГУН** Чилонзор туманидаги Тошкент педагогика коллежида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида Чилонзор туман хотин-қизлар қўмитаси, туман ФХДЁ бўлими, «Наврўз» никоҳ уйи ҳамда Ғафур Ғулом номли маданият ва истироҳат боғи ҳамкорликларида уюштирилган давра суҳбати «Оила кодексида никоҳ тузиш тартиби ва шартлари, балоғат ёшидаги йигит-қизлар саломатлигини муҳофаза қилиш долзарб вазифа» деб номланди.

● **КЕЧА** Собир Раҳимов туманидаги «Гуручариқ» маҳалласида маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Ҳамза туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан фаол ёшлар иштирокида уюштирилган маънавий-маърифий давра суҳбати «Юксак маънавият — енгилмас куч» деб номланди.

● **БУГУН** Учтепа туманидаги 75-умумтаълим мактабида «Таълим муассасаларида ижодий муҳитни ривожлантириш» мавзуида 2008-2009 ўқув йилининг биринчи чораги якунларига бағишлаб уюштирилган кўргазмали семинарда ўқитувчилар иштирок этишди.

● **КЕЧА** Тасвирий санъат галереясида Миллий кино фестивали ва «Киновиза» визуал антропологияси Марказий Осиё форуми доирасида «Ойжамол» кўргазмаси ташкил этилди. Ушбу тадбир 10 декабрга қадар давом этади.

● **ШАҲРИМИЗДА** болалар, қизлар ва ўсмирлар ўртасида ташкиллаштирилган шахмат бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақалари якунига етди.

*(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).*

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**19-20 НОЯБРЬ КУНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ. МАЖЛИСНИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ СПИКЕРИ Д.ТОШМУҲАМЕДОВА ОЛИБ БОРДИ. ДЕПУТАТЛАР ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН ТАКЛИФ ЭТИЛГАН КУН ТАРТИБИНИ ТАСДИҚЛАДИЛАР.**

Ўзбекистон «Адолат» Социал-демократик партияси депутатлар фракциясининг таклифига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси И.Саифназаровни «Адолат» СДП депутатлар фракцияси раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайлади.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари С.Жабборов «Амнистия актини қўллаш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда тақдим этди. Қонун лойиҳасининг бўлиб ўтган моддама-модда муҳокамаси чоғида депутатлар амнистияни суднинг иш юритувига қадар босқичда қўллаш тартибини ва жиноий жазоларни ижро этишни процессуал тартибга солиш зарурлигига эътибор қаратиб, қатор таклифлар ва фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Киритилган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

**(Давоми 2-бетда).**

## XXI АСР САДОСИ
**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Қонунчилик палатаси мажлиси муҳокамасига иккинчи ўқишда киритилиши назарда тутилган қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.**

● **Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамкорлигида «Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллиги муносабати билан Наманган шаҳрида «Ўзбекистон — умумий уйимиз» мавзуида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуманда тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари, вилоятдаги миллий маданият марказлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, талаба, ўқувчилар иштирок этди.**

● **Тошкентда «Сен ёлғиз эмассан» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан «Камалак жилолари» мавзуида болалар расмлари танлови ўтказилди.**

● **Сурхондарё ва Жиззах вилоятлари ахборот-кутубхона марказларида 2009-2010 ўқув йилида умумтаълим мактаблари учун мўлжалланган дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмаларнинг ихтисослаштирилган кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтди.**

● **Бухоро нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежи қошида И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкентдаги филиалига кириш учун минтақавий тайёрлов бўлими очилди.**

● **«Бандлик» дастурига мувофиқ Шофиркон туманида мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарини кенгайтириш, кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил этиш ва ривожлантириш, фермер хўжаликларини тараққий эттириш натижасида жорий йил давомида белгиланган 2518 ўрнига 2627 та янги иш ўринлари ташкил этилди.**

● **Наманган вилоятининг чекка қишлоқларида ҳам коммунал ва бошқа тўловларни амалга оширишнинг янги тури — пластик карточкалар билан хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Шу мақсадда «Алоқабанк»нинг вилоят филиали билан тузилган қўшма тадбирга асосан бир қатор алоқа бўлимларига терминаллар ўрнатилди.**

● **Навоий вилояти Конимех туманидаги қоракўлчиликка ихтисослашган «Қизилқум» ширкат хўжалиги марказидаги Учтепа овулида «Қизилқум сури» кичик корхонаси очилди. Бу ерда қоракўл терилари ва жун қайта ишланиб, қишки кийимлар тайёрланмоқда.**

### ЖАҲОНДА

● **Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведевнинг Европа ва Лотин Америкаси мамлакатлари бўйлаб ташрифи бошланди.**

● **Швеция парламенти Лиссабон шартномасини ратификация қилди.**

● **БМТ Хавфсизлик Кенгаши Сомали денгиз қароқчиларига қарши жиддий кураш олиб бориш мақсадида махсус комиссия тузишга қарор қилди.**

● **Дунёдаги энг кўп аҳолига эга давлатлардан бири Ҳиндистон ҳозирда кучли иқтисодий инқирозни бошидан кечирмоқда. Буюк Британия ҳукумати Ҳиндистонга 825 миллион фунт стерлинг (1,2 миллиард АҚШ доллари) миқдорида моддий ёрдам кўрсатишга қарор қилди. Ажратилаётган маблағ қийин шароитда кун кечираётган аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга сарфланади.**

● **Кеча Япониянинг Хокайдо музофотидаги йўллардан бирида йирик йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлди. Бунда 35 та машинага шикаст етган бўлиб, йўловчиларнинг бир нечтаси жароҳатланган. Ҳозирда йўлнинг ушбу қисмида барча ҳаракатлар вақтинча тўхтатиб қўйилган, полиция томонидан автоҳалокатнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилмоқда.**

● **Кеча АҚШнинг «Индевор» космик кемаси фазогирлари иккинчи мартта очиқ коинотга чиқиб, 6,5 соат давомида кеманинг қуёш батареяларини таъмирлаш ишларини амалга оширишди.**

● **Кеча Нью-Йоркдаги биржада ўтказилган савдоларда бир баррел нефтнинг нархи кейинги 3,5 йил ичида энг паст даражага тушиб 49,62 долларни ташкил этди.**

● **Панамада Рихтер шкаласи бўйича 6,2 баллик кучли ер силкиниши рўй берди. Зилзила маркази мамлакатнинг йирик шаҳарларидан бири Давиддан 57 километр шарқда қайд этилган бўлиб ҳозирча талафотлар тўғрисида маълумотлар йўқ.**

● **Таиланд пойтахти Бангкок шаҳри марказида амалга оширилган террорчилик ҳаракати оқибатида бир киши ҳалок бўлди, 11 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди.**

● **Австралиянинг «Qantas» авиакомпаниясига қарашли икки самолёт Мельбурн остонасидаги Авалон аэропортида бир-бирига тўқнашиб кетган. Самолётларда йўловчилар бўлмаганлиги сабабли қурбонлар йўқ. Бироқ тўқнашув оқибатида ҳар иккала самолётга жиддий зарар етган.**

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

*(Давоми, Боши 1-бетда).*

«Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Ф.Ражабов тақдим этди. Муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар қонун лойиҳасини модда-модда кўриб чиқдилар ҳамда муҳокама чоғида киритилган таклифлар ва фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда Қонунни қабул қилдилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси А.Тўхташев «Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Депутатлар ҳужжатни модда-модда муҳокама қилиш чоғида қонун лойиҳасида ҳуқуқнинг қўлланилиш амалиётини таҳлил этиш натижалари ва мажбурий ижро этиш соҳасидаги халқаро тажриба ҳисобга олинганлигини таъкидладилар. Қонун лойиҳасининг айрим нормаларини яхшилашга қаратилган таклифларни кўриб чиқиб, Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

Ҳуқуқнинг қўлланилиш амалиётини ҳисобга олган ҳолда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси Ш.Тешаев томонидан депутатлар муҳокамасига тақдим этилди. Ҳужжат моддама-модда муҳокама қилинганида депутатлар қонун лойиҳасини такомиллаштириш мақсадида таклифлар киритдилар ва фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Қонун муҳокама чоғида киритилган таклифлар ва билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳисобга олинган ҳолда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди.

Депутатлар Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси А.Тўхтабоев томонидан тақдим этилган «Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамаси давомида депутатлар амалдаги қонунларга киритилаётган ўзгаришлар мамлакат солиқ сиёсатининг асосий йўналишларини акс эттиришини таъкидладилар. Барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари тақдим этилган ҳужжатни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритдилар. Қонун муҳокама чоғида билдирилган таклифлар ва қўшимчалар ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинди ва у маъқуллаш учун Олий Мажлис Сенатига юборилади.

**МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФ БУЮРГАН ОПЕКНИНГ ХАЛҚАРО РИВОЖЛАНИШ ЖАМҒАРМАСИ БОШ ДИРЕКТОРИ СУЛАЙМОН АЛ-ХЕРБИШ РАҲБАРЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ АЪЗОЛАРИ 20 НОЯБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИ ҒАЙРАТ ШОУМАРОВ БИЛАН УЧРАШДИ.**

# ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан ОПЕКнинг Халқаро ривожланиш жамғармаси ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда, жумладан, фан-таълим жабҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йил 13 февралда қабул қилинган "ОПЕКнинг Халқаро ривожланиш жамғармаси ва Саудия ривожланиш жамғармаси иштирокида "Ўзбекистон Республикасида умумтаълим мактаблари қуриш ва уларни жиҳозлаш" лойиҳасини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ушбу жамғарма билан таълим соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур лойиҳада мамлакатимизда 7900 ўқувчига мўлжалланган ўттизга яқин умумтаълим мактаби қуриш ва уларни жиҳозлашни молиялаш кўзда тутилган.

Меҳмонлар мамлакатимизда таълим тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар билан яқиндан танишдилар.

— Мамлакатингизда илм-фан ва таълимни ривожлантиришга давлат томонидан катта эътибор қаратилаётгани ва бу борада ҳавас қилса арзигулик самараларга эришилаётганига гувоҳ бўлдик, — деди Сулаймон Ал-Хербиш. — Амалга оширилаётган ислоҳотларни кузатиб бормоқдамиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Ўзбекистон билан фан-таълим, қишлоқ хўжалиги ва транспорт коммуникациялари каби кўплаб соҳаларда қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ниятидамиз. Ўзаро маслаҳатлашиш ва тажриба алмашиш икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Учрашувда Ўзбекистон билан ОПЕКнинг Халқаро ривожланиш жамғармаси ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

# МАТБУОТ ВА МАТБАА РИВОЖИГА ЭЪТИБОР

**ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ, НАШРИЁТЛАР ВА МАТБАА КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ҚОНУНЧИЛИК ТАЛАБЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ЮРТИМИЗДАГИ ҚАТОР ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ, НАШРИЁТЛАР ВА МАТБАА КОРХОНАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Б.Алимов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида миллий матбуотимизни янада ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кадрларнинг касб малакаси ва маҳоратини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида бир минг бир юздан зиёд номдаги оммавий ахборот воситаси — газета, журнал, ахборотнома, ахборот агентлиги, электрон оммавий ахборот воситалари, веб-сайтлар рўйхатга олинган. Агентлик томонидан оммавий ахборот воситаларининг амалдаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан мунтазам равишда мониторинг олиб борилмоқда. Хусусан, даврий нашрларга халқаро стандартлар туркум рақами – ISSN белгиси қўйиб борилаётир. Бу эса даврий нашрларнинг хорижий давлатларда ҳам тарқалиши учун имконият яратади.

Юртимизда саксондан ортиқ нашриёт фаолият юритмоқда. Шу билан бирга ҳокимликлар, бошқарув органлари, ўқув ва илмий тадқиқот муассасаларида олтмишга яқин ноширлик бўлими ишлаб турибди. Улар томонидан чоп этилаётган матбаачилик маҳсулотларига ISBN – рақамларининг қўйиб борилиши эса нашрларнинг адади, хилма-хиллиги ортишига, сифатининг янада яхшиланишига хизмат қилмоқда.

Айни пайтда матбаа корхоналарининг фаолиятини замон талаблари даражасида ташкил этишга ҳам алоҳида аҳамият қаратилаётир. Ҳозир юртимизда бир минг уч юзга яқин матбаа корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати давлат стандартларига мос келишига катта эътибор қаратилмоқда.

Анжуманда матбаа корхоналари томонидан босма маҳсулотларни чоп этишда нашриёт ва муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қонунчилик талабларига қатъий риоя қилиниши зарурлиги таъкидланди. Тадбирда журналистларнинг саволларига атрофлича жавоб берилди.

**ЎзА**

## Алоқа

# МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ

**ПЕНСИЯ МАБЛАҒЛАРИНИНГ САҚЛАНИШИ ВА ЎЗ ВАҚТИДА ТЎЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА НАҚД ПУЛ ТУШУМЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ, ШУНИНГДЕК ОБУНАНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ ДАСТУРИНИ ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИ НИҲОЯСИГА ЕТАЙ ДЕБ ҚОЛДИ.**

«Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти ҳамда «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси саъй-ҳаракати билан юзага келаётган бу истиқболли дастур алоқа хизматидан самарали фойдаланиш учун замин яратади.

Газета ва журналларга Интернет орқали обуна қабул қилиш ҳам йўлга қўйилади. Матбуот дўконлари тизимини кенгайтириш ҳам кўзда тутилди. Шу мақсадда маркетинг тадқиқотларига қўл урилди.

# САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ

**«ПОЧТА СОҲАСИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАГАН ҲОЛДА МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТ ТУРЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАМДА РИВОЖЛАНТИРИШ» ДЕГАН МАВЗУДА ЎТКАЗИЛГАН АНЖУМАНДА УШБУ ЙЎНАЛИШДА КЕЙИНГИ БИР ЙИЛ ИЧИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШ НАТИЖАЛАРИ САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ.**

«Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти томонидан уюштирилган бу тадбирда кўрсатиб ўтилганидек, 2006 йилда электрон пул ўтказмалари тизимига 26 та объект уланган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 125 тани ташкил этади.

Жорий йил охиригача яна қўшимча 91 та объект ушбу тизимга уланади. Бунинг учун жамият филиалларининг ўзаро тажриба алмашиши, шунингдек почта ходимлари малакасини ошириш тадбирлари белгиланди.

# БУЮРТМА ЖИҲОЗЛАР

**ТОШКЕНТ ВА БУХОРО ШАҲАРЛАРИДА РАҚАМЛИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ ТАЖРИБАВИЙ ҲУДУДИНИ ЯРАТИШ ЖАРАЁНЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.**

Бу режани амалга ошириш учун Япониянинг «НЭК» ҳамда Германиянинг «Роде Шверц» компаниялари билан ускуналарни етказиб бериш бўйича шартнома тузилган эди. Ҳозирнинг ўзида буюртма жиҳозларнинг талайгинаси пойтахтимизга олиб келинди.

**Акбар АЛИЕВ**

**ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ, ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ПЕДИАТРЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲАМКОРЛИГИДА БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР САЛОМАТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ТИББИЙ-БИОЛОГИК АСОСЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари А.Комилов, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректори А.Алимов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда барча соҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида инсон манфаатларини таъминлаш, ёш авлод камолоти йўлида ғамхўрлик ва

*2008 — Ёшлар йили*

# ЁШ АВЛОД САЛОМАТЛИГИ ДОИМИЙ НАЗОРАТДА

эътибор кўрсатишдек эзгу мақсадлар мужассам эканини таъкидладилар. Бу эса аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, фарзандларни ҳар томонлама етук ва баркамол шахслар этиб вояга етказишдек масъулиятли жараён билан бевосита боғлиқдир.

Юртимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида янги, халқаро андозаларга мос ихтисослаштирилган тиббиёт, соғломлаштириш марказлари, шифохоналар, диспансерлар, поликлиникалар, туғруқ мажмуалари, она ва бола скрининги марказлари барпо этилиб, замонавий тиббий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланмоқда.

Шифокорлар ҳамда тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш ва меҳнатига ҳақ тўлашнинг самарали механизми жорий этилгани, кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини яратиш мақсадида олий тиббий таълимнинг замонавий икки босқичли шакли жорий этилгани, Тошкент тиббиёт академиясининг ташкил қилиниши, олий ўқув юртларида олий маълумотли ҳамширалар тайёрлаш йўлга қўйилгани эътиборга моликдир.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилган ишлар тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янада юксалтириш, аҳоли турмушини яхшилаш, чечак, ич терлама, полиомиелит, бўғма, ўлат, вабо сингари ижтимоий хавфли ҳамда юқумли касалликларни батамом тугатиш имконини берди.

– Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими давлатнинг доимий эътиборида экани юксак самаралар бермоқда, – дейди Жанубий Кореядаги Ёнсей тиббиёт университети олими, шифокор-кардиолог Ёнг Хван Пак. – Соҳадаги бундай изчил ва муваффақиятли ислоҳотлар халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, тиббиёт мутахассислари ўртасида ўзаро фикр ва тажриба алмашиш, биргаликда мураккаб жарроҳлик операцияларини амалга оширишда ҳам муҳим омил бўлмоқда. Университетимиз шифокорларининг Тошкент Педиатрия тиббиёт институтида болалар юрак хасталиги жарроҳлиги йўналишида амалга оширган операциялари бунинг тасдиғидир.

Конференцияда педиатрлар тайёрлашда клиник ва тиббий-биологик фанларнинг ўзаро интеграцияси, болалар жарроҳлигида биоматериалларни қўллаш, юқумли хасталиклар, жумладан, гепатитни даволашда илғор усуллардан фойдаланиш, соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида самарали даволаш билан боғлиқ мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

**ЕВРОПАРЛАМЕНТДА «ЎЗБЕКИСТОН-ЕИ» ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК ҚЎМИТАСИ VII-ЙИҒИЛИШИНИНГ ЎТКАЗИЛИШИ ДОИРАСИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИНИНГ НИШОНЛАНИШИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ДАХЛСИЗ

Тадбирда Парламентлараро ҳамкорлик Қўмитаси йиғилишида иштирок этиш учун келган Ўзбекистон Республикаси делегацияси аъзолари, Европа парламенти депутатлари, Европа Комиссияси, европа ва белгиялик жамоатчилик, илмий ҳамда эксперт-таҳлилий доиралар вакиллари қатнашдилар. Иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорининг аҳамияти, шунингдек, мазкур ҳужжатни амалга тадбиқ этишга йўналтирилган тадбирлар билан танишдилар.

Европарламент делегациясининг Монголия ва Марказий Осиё давлатлари билан алоқалар бўйича раҳбари Она Юкневичиене Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, айниқса, мамлакатда ўлим жазосининг бекор қилиниши ва мамлакатни демократик қайта қуришда фуқаролик жамияти иштирокининг натижаси сифатида «Хабеас корпус» демократик ҳуқуқий институтининг жорий этилиши ҳақида ижобий фикрлар билдирди.

Европа Халқаро муносабатлар институтининг президенти профессор Ирнерио Семинаторе Ўзбекистонда охирги пайтларда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, демократлаштириш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида сезиларли даражада юксалишга эришилганини айтиб ўтди. Унинг фикрича, ушбу омилларга таянган ҳолда Ўзбекистондаги вазиятни таҳлил қилганда шу аниқ бўладики, истиқлол йилларида мамлакат раҳбарияти томонидан сиёсий барқарорлик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида жуда кўп ишлар қилинган.

Германиялик Европарламент аъзоси Элизабет Йеггле Ўзбекистонда демократия ва инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш борасида босқичма-босқич амалга оширилган тадбирлар, жумладан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг институционал механизмларини мустаҳкамлашга муҳим аҳамият берилгани ва Омбудсман институтининг ташкил этилганлиги ҳақида ижобий фикрлар билдирди.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида инсон ҳуқуқлари бўйича шаклланган суҳбатларнинг ривожланиши ва келгусида мустаҳкамланиб бориши ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Улар бир овоздан бу каби тадбирлар ўзаро бир-бирини тушунишни мустаҳкамлашга хизмат қилишини эътироф этди.

**«Жаҳон» АА, Брюссель**

# ҲАР БИР ФАРЗАНД — МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДА

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 31-МЕҲРИБОНЛИК УЙИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, «SEN YOLG"IZ EMASSAN» РЕСПУБЛИКА ЖАМОАТЧИЛИК БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ, БОЛАЛАР ИЖТИМОИЙ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИДА ТАШКИЛИЙ ВА ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШГА БАҒИШЛАНГАН РЕСПУБЛИКА СЕМИНАРИ ЎТКАЗИЛДИ.**

Унда Меҳрибонлик уйларининг раҳбарлари, педагог-тарбиячилари, илғор ўқитувчилар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Семинарда халқ таълими вазири Ғ.Шоумаров, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази директори Т.Норбоева ва бошқалар мамлакатимизда ёш авлодни соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланганлигини таъкидлади. "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Юртимизда замонавий техник воситалар билан жиҳозланган таълим-тарбия, ижодиёт, спорт-соғломлаштириш марказларининг барпо этилаётгани, соҳа ходимларининг касб малакаси ва маҳорати муттасил ошириб борилаётгани ёш авлодни вояга етказиш, соғлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимоялашда муҳим омил бўлмоқда. Меҳрибонлик уйларини таъмирлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда педагог кадрлар меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантириш масаласи ҳам давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида.

"Ёшлар йили" Давлат дастурига мувофиқ махсус – инклюзив таълимни ривожлантириш, Меҳрибонлик уйлари учун ижтимоий ходимлар тайёрлаш тизимини жорий этиш, тарбия масканларида болаларни ижтимоий-психологик реабилитация қилиш, уларга ҳуқуқий, педагогик кўмак кўрсатишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Икки кун давом этган семинарда Меҳрибонлик уйларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишнинг янги йўналишлари, ижтимоий психологик-педагогик хизматни ташкил этишнинг аҳамияти, ташкилий-тарбиявий ишларни такомиллаштириш ва янги педагогик технологияларни жорий этиш масалалари атрофлича муҳокама этилди.

**ҲАРБИЙ ПОЛИГОНЛАРДАН БИРИДА ЖОРИЙ КУЗГИ ЧАҚИРУВДА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗДА МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАЙ БОШЛАГАН ЁШ АСКАРЛАР УЧУН КЎРГАЗМАЛИ ЎҚУВ МАШҒУЛОТ ЎТКАЗИЛДИ.**

# АСКАРЛАРНИНГ ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ

Мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида ҳарбий хизматчиларнинг профессионал тайёргарлигини ошириш, юксак маънавий-ахлоқий ва етакчилик қобилиятига эга, интеллектуал салоҳияти юқори ҳарбийларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимлари замон талаблари даражасига келтирилди. Жорий этилган сафарбарлик чақируви резерви хизмати тўла ўзини оқламоқда.

Айни пайтда, қўшинларнинг замонавий қурол-яроғ ва техника, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланиши ва жанговар шайлиги янада оширилмоқда. Бунда шахсий таркибнинг ўқув-жанговар ва машқ тайёргарлигини кучайтириш, ҳарбий хизматчиларга топширилган замонавий қуроллар ва техникадан моҳирона фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур тадбирдан кўзланган мақсад ҳам айни шу мақсадга қаратилган бўлиб, унда Қуролли Кучларимиз сафига яқинда қўшилган ёш аскарлар замонавий ҳарбий техника ва қурол-аслаҳаларнинг имкониятлари, қўлланиши ҳамда вазифалари билан яқиндан таништирилди. Бундай машғулотлар уларда ҳарбий хизматга бўлган масъулият ҳиссини янада оширишга хизмат қилади.

**ЎзА**

## Санъат

# ДАВР САДОЛАРИ

**ИЛГАРИ ХАБАР БЕРГАНИМИЗДЕК ШАҲРИМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН БАСТАКОРЛАР УЮШМАСИ, ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ, «ЎЗБЕКТЕАТР» ИЖОДИЙ БИРЛАШМАСИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН «ДАВР САДОЛАРИ» МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИНГ БОШЛАНГАНИГА ИККИ ОЙ БЎЛДИ. ЎТГАН ВАҚТ ИЧИДА ШАҲРИМИЗДА ФЕСТИВАЛЬ ДОИРАСИДА ЖУДА КЎПЛАБ КОНЦЕРТ ДАСТУРЛАРИ, ИЖОДИЙ УЧРАШУВЛАР ВА ДАВРА СУҲБАТЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасида уюштирилган давра суҳбатидир. Тадбирда бастакорлар, театр жамоалари аъзолари, шоирлар, иқтидорли хонандалар, журналистлар ва санъат ихлосмандлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев даврани кириш сўзи билан очар экан, «Давр садолари» мусиқий фестивалининг бугунги кундаги аҳамияти, ёш иқтидорли бастакор ва қўшиқчиларнинг ижоди, ҳамкорликда яратилаётган қўшиқларнинг савияси, театрлар учун яратилаётган мусиқий асарлардаги ҳаётийлик ва долзарблик, ҳақидаги мулоҳазали фикрларини ўртага ташлади. Шунингдек, бугунги кунда санъат мактабларида олиб борилаётган ишларнинг кўлами, ёш, иқтидорли бастакор, қўшиқчиларни кашф этиш, шакллантириш ва ўз вақтида рағбатлантириб бориш, машҳур бастакор ва иқтидорли қўшиқчилар билан уларнинг ижодий ҳамкорлигини йўлга қўйиш ҳақидаги фикрларини ҳам билдирди.

Бастакорлардан Ҳабибулла Раҳимов, Ойдин Абдуллаева, Мустафо Бафоевлар ҳам сўзга чиқиб, фестивалдан кутилаётган натижалар ва унинг самараси ҳақида сўзладилар.

Ўринли фикр ва мушоҳадаларга, қизиқарли савол-жавобларга бой тарзда ўтган давра суҳбати барчада бирдай катта қониқиш ҳосил қилди.

# КУЙ-КУЙГА УЛАНИБ

**ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА МУСИҚА КОЛЛЕЖИДАГИ ДОНИ ЗОКИРОВ НОМИДАГИ ХАЛҚ ЧОЛҒУЛАРИ ОРКЕСТРИ ВА РЕСПУБЛИКАДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХОР ЖАМОАСИНИНГ НАВБАТДАГИ КОНЦЕРТИ ҲАМ «ДАВР САДОЛАРИ» ФЕСТИВАЛИ ДОИРАСИДА БЎЛИБ ЎТДИ.**

— Бу мусиқа фестивали коллежимиз ҳаётида ҳам муҳим аҳамиятга эгадир, — дейди ўқув маскани директори Ботир Матниёзов. — Ундан кўзланган мақсад эса мусиқа санъатига бўлган эътиборни янада кучайтиришдан иборатдир. Президентимиз ғамхўрликлари остида кейинги пайтларда ёшлар ўртасида санъатни ривожлантириш борасида жуда кўплаб мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. Санъат мактаблари ва мусиқа коллежларига бўлган эътиборнинг натижаси ҳам бугунги кунда ўзининг ижодий самарасини яққол намоён этмоқда. Жумладан кўплаб ёшларимиз халқаро танловларда, фестивалларда совринли ўринларни қўлга киритиб мамлакатимиз шаънини кўтармоқдалар. Зеро, дунё саҳналарида Ватанимизни тараннум этиш, унинг мавқеини янада юксакларга кўтариш жуда қувонарли ҳолдир. Мазкур фестиваль доимо кўплаб иқтидорларни кашф этади. Демак, истиқболи порлоқ иқтидорли юлдузлар сони янада кўпайиб, уларнинг довруғи келажакда нуфузли чет эл мамлакатларида ҳам фахр билан тилга олинади.

Концерт доирасида мусиқа коллежи ўқувчилари ижросида ҳам оҳанграбо куй ва қўшиқлар янгради.

«Давр садолари» мусиқий фестивали доирасидаги тадбирлар Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театрида, Ўзбекистон Давлат консерваториясида, Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида бўлиб ўтмоқда. Унинг доирасида дамли чолғулар, халқ чолғулари, камер чолғулари ижросида ҳам концертлар уюштирилмоқда.

Ушбу фестиваль 10 декабрга қадар давом этади.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

